*Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил
**27 июнь**
ШАНБА
**№ 43** (13304)

@haqiqatonline

1928 йил 11 декабрда асос солинган



*Бугун — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни*

***Матбуотни ҳаёт кўзгуси дейишади. Бу ҳақ гап. Бунда босма нашр – газетанинг ўрни алоҳида, десак тўғри бўлади. Негаки, газетада эълон қилинган ҳар бир мақола ёки ахборот ҳужжат сифатида муҳрланади ва таъбир жоиз бўлса, мамлакат, жамиятнинг архивидан жой олади. Ана шунинг учун ҳам газетада босилган ҳар бир сўзнинг масъулияти катта. Зеро, сўз газета саҳифаларида ўзининг аксини топгач, уни ҳеч қачон ўчириб ҳам, таҳрир қилиб ҳам бўлмайди, у жонли тарихга айланади...***

Кўпчилик билар, балки хабари йўқдир. 1906 йилнинг 27 июнидан (эски йил ҳисоби бўйича 14 июнидан) Тошкентда чиқа бошлаган ва ҳафтасига икки марта чоп этилган "Тараққий" газетаси том маънодаги биринчи миллий нашр ҳисобланади. "Тараққий" атиги 72 кун умр кўрган ва 19-сони чиққанидан сўнг ёпиб қўйилган. Лекин, унда босилган фельетон ва бошқа мақолаларда танқидий йўналиш, фош қилиш руҳи кучли бўлгани учун у ўша даврнинг энг оммавий нашрига айланган ва жамоатчилик фикрига катта таъсир кўрсата олган.

2

# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

**Муҳтарам дўстлар!**

Барчангизни 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий табриклаб, сизларга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдираман.

Фурсатдан фойдаланиб, жаҳон миқёсида юз берган пандемия туфайли вужудга келган бугунги мураккаб вазият ва қийинчиликларга қарамасдан, аҳолига тезкор ва ишончли ахборот етказиб бериш, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни атрофлича акс эттириш йўлида ўз профессионал бурчини сидқидилдан адо этиб келаётган сиз, журналистлар аҳлига чуқур миннатдорчилик билдираман.

**Ҳурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!**

Сизларга аёнки, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтаришда ахборот соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Кейинги уч йилда бу борада ўндан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилингани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Хусусан, "Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент қарорига мувофиқ бу соҳада янги тизим яратилди.

Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида ўтган бир йил давомида кўплаб вазирлик ва идораларда ахборот хизматлари замон талаблари асосида қайтадан, 201 та туман ва шаҳар ҳокимликларида эса биринчи марта ташкил этилди.

Ана шу хизматлар томонидан ижтимоий жараёнлар ҳақида ишончли ахборот бериш мақсадида матбуот анжуманлари, брифинглар, медиатурлар ташкил этилмоқда, ҳаётимиздаги муаммо ва ҳодисаларга тезкор муносабат билдирилмоқда, уларнинг веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлар, мобиль мессенжерлардаги саҳифалари янгилаб борилмоқда.

Охирги йилларда мамлакатимизда катта аудиторияга эга бўлган қарийб 290 та хусусий ва идоравий Интернет нашрлари ташкил этилди. Улар бошқа материаллар қаторида энг муҳим расмий ахборотлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўзбек, рус ва инглиз тилларида тарқатмоқда.

Энг асосийси, оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгариш ва янгиланиш жараёнларини ҳар томонлама таҳлил қилиб, жойлардаги ижтимоий муаммолар, хато ва камчиликларга давлат идоралари ва жамоатчилик эътиборини қаратаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Албатта, бугун биз ҳамма соҳада, жумладан, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш борасида ҳам изланишдамиз. Бинобарин, бу йўлда ютуқлар билан бирга, камчилик ва нуқсонлар бўлиши ҳам табиийдир.

Бу ҳақда гапирганда, миллий медиа майдонимизда замоннинг ўткир талаб ва мезонлари, энг муҳим тенденцияларини очиб бериш, танқидий таҳлил, одамлар кутаётган мавзу ва муаммоларни дадиллик билан ўртага ташлаш ҳали ҳам етакчи ўрин эгалламаётганини айтишга тўғри келади. Афсуски, аксарият ахборот воситаларида ижтимоий салмоғи енгил бўлган, ҳисобот ва баландпарвозлик руҳидаги материаллар ҳануз устунлик қилмоқда.

Яна бир муҳим масала – айрим журналист ва блогерларимизда билим ва профессионал малака, баҳс маданияти етишмаслиги жамоатчиликни ташвишлантирмоқда.

Бу борадаги энг асосий вазифа – ана шундай камчиликларни чуқур ўрганиб, уларни бартараф этиш, мавжуд миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, оммавий ахборот воситаларининг самарадорлигини оширишдан иборат.

Биз бугун ҳуқуқий демократик давлат қураётган эканмиз, журналистиканинг бутун дунёда эътироф этилган, ўзгармас талаб ва мезонларига амал қилишимиз зарур. **Бу мезонларнинг энг асосийси – холислик ва ҳаққонийликдир**. Бинобарин, матбуот майдонига кирган инсон – у журналист бўладими, блогер бўладими, бундан қатъи назар – ана шу қоидаларга амал қилиши шарт.

Биз бўлғуси журналистларимиз чуқур билим ва касб маҳоратини, она тилимиз билан бирга чет тилларни, фаол фуқаролик позициясини, ахборот-коммуникация технологиялари, нотиқлик малакасини пухта эгаллашларига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Ана шундай етук кадрларни тайёрлашда энг аввало ўзимизнинг бой маънавий меросимизга таянсак, албатта натижа бўлади. Бу борада жадидлар, хусусан, бу йил 145 йиллик таваллуд санаси кенг нишонланаётган улуғ аллома ва публицист Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг миллий журналистика мактаби айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Сиз азизларнинг бугунги касб байрамингиз баҳона бир эзгу таклифни илгари сурмоқчиман. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабалари учун **Маҳмудхўжа Беҳбудий номидаги стипендияни** таъсис этсак, ўйлайманки, бу ҳам ёшларимизни миллий ғоя руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

Шунингдек, айни вақтда жаҳондаги етакчи медиа компанияларининг кадрлар тайёрлаш ва улар билан ишлашга оид тажрибасини чуқур ўрганиб, чет эллик журналистлар билан тажриба алмашиш, халқаро ҳамкорликни кучайтиришимиз зарур.

**Муҳтарам матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари!**

Сизларни ва сизларнинг ижод маҳсулингиздан баҳраманд бўладиган жамики муштарий ва мухлисларингизни касб байрамингиз билан яна бир бор самимий муборакбод этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, янги ютуқлар, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## *Янги иншоот*

**Оққўрғон тумани марказида Ер ресурслари ва Давлат кадастри биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди.**



**Унда туман ҳокими Фарҳод Омонов сўзга чиқиб, янги қуриб битказилган бино аҳоли турмуш тарзининг фаровонлиги йўлида хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.**



# БИЛИБ ҚЎЙИНГ, СИЗНИ ВАТАН КУТАДИ!

**Ёшлар куни арафасида Нурафшон шаҳридаги "Ёшлар маркази"да вилоят ҳокими мактаб, коллеж ва олий ўқув юрти битирувчилари билан учрашди.**



Мазкур тадбир Президентимиз томонидан битирувчиларни касб-ҳунар мактаблари, техникум ва олий ўқув юртларига қамраб олиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселекторда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларига белгилаб берилган вазифалар ижросига қаратилгани билан янада муҳим аҳамият касб этди.



**Нозим АБДУЛЛА олган суратлар**

**(Давоми 2-саҳифада)**

## 30 июнь – Ёшлар куни

## Бугуннинг йигит-қизлари – умидимиз юлдузлари...



***Ёшлик – инсон умрининг шукуҳли лаҳзаларини, беғубор, дилгир, унутилмас дамларини тақдим этувчи, бепоён ва кучли тўлқиндир. Пишқиради, елади ва яна бир зумда тин олади. Шу сабабдир, катта авлод вакиллари ёшлигини қўмсаганда ёшларга: "Оҳ, сенинг ёшлигинг менда бўлсайди", дейди. Бу бежиз эмас. Яна, бугунги ёшларга барча имконият эшиклари очиқ. Озгина тиришқоқлик бўлса бас, оламни забт этишга етгулик куч ва шароит бор!***

4

Хушхабар

# ЎРТА ЧИРЧИҚНИНГ БАРАКА ХИРМОНИ

**Ўрта Чирчиқ тумани ғаллакорлари вилоятимиз ғалла хирмонига 31 минг 350 тоннадан ортиқ товар дон топшириб, вилоятда биринчи бўлиб шартномани бажаришди. Ғаллакорлар 16 кунда режадаги ҳосилни йиғиб олишни уддалашди.**



Албатта, бундай катта хирмонни яратишда мавсум давомида омилкорлик билан иш юритилгани, буғдой майсалари ўз вақтида озиқлантирилгани самара берди. Бундан ташқари, туман фермерларининг катта тажриба ва шижоати ҳам муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, "Охунбобоев" ҳудуди фермерлари 2514,5 тонна ўрнига 2599 тонна, "Дўстлик" ҳудуди фермерлари 2598,8 тонна ўрнига 2737,5 тонна, "Янги тўлқин" ҳудуди фермерлари эса 1433,1 тонна ўрнига 1511 тоннадан ортиқ ғалла топшириб, катта хирмонга ўз ҳиссаларини қўшишди.

2



# БИЛИБ ҚЎЙИНГ, СИЗНИ ВАТАН КУТАДИ!



Учрашувда сўз олган вилоят ҳокими навқирон ўғил-қизларни Ёшлар куни билан қутлаб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган битирувчиларга омад ва зафарлар тилади. Шунингдек, юртимизда ёшлар учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлар ҳақида тўхталиб, улардан самарали фойдаланмаслик келажакка хиёнат эканини алоҳида таъкидлади.

Маълумотларга кўра, жорий йилда вилоятимиз мактабларини 35 мингдан ортиқ йигит-қиз тамомлади. Улардан 210 нафари олтин, 29 нафари эса кумуш медалга лойиқ кўрилди.

Тадбирда битирувчиларга медаллар тантанали равишда топширилди.

– Олтин медални вилоят ҳокимининг қўлидан олганимдан жуда хурсандман, – дейди Ўрта чирчиқлик Саидакмал Сайдулухмонов. – Эндиги мақсадим – билдирилган ишончни оқлаб, ўзим танлаган касб бўйича олийгоҳга кириб, яхши мутахассис бўлиш.

Учрашувда ёшларнинг муаммо ва таклифлари ҳам тингланди. Хусусан, тадбир иштирокчилари томонидан Нурафшон шаҳрида замонавий кутубхона ва It centr қуриш ҳамда вилоятда фаолият олиб бораётган ёш олимлар учун имтиёзли кредит асосида уйлар бериш, лидерлар кенгашини ташкил этиш каби таклифлар илгари сурилди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

**Зуҳриддин РАҲМОНОВ**
**/Тошкент ҳақиқати/**

# ЎРТА ЧИРЧИҚНИНГ БАРАКА ХИРМОНИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Шунингдек, "Ҳақиқат" ва "Қайтмас" ҳудудларида ҳам шартномавий режа ортиғи билан бажарилди. Аксарият фермер хўжаликларида ҳосилдорлик гектар ҳисобига 70-75 центнерга етди.

Дарвоқе, тумандаги барча ҳудудларда ҳали ғалла ўрими давом этмоқда. Қолаверса, келгуси йил учун уруғлик донни ўриб олиш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилаяпти.

**Ўз мухбиримиз**

# ҲАЛИ ҲОСИЛ МЎЛ

**Бўка туманидаги "Аҳмад ота" фермер хўжалиги ҳар йили шартномавий режа топшириқларини ортиғи билан адо этиб келади. Фарҳод Душабоев бошчилигидаги хўжалик аъзолари жорий йилда 38 гектар майдонда ғалла етиштирдилар. Мавжуд ғалла майдонининг ҳар гектаридан 65 центнердан ҳосил йиғиштириб олиниб, давлат хирмонига 135,5 тонна сара дон топширилди. Шартномавий режа туманда биринчилардан бўлиб бажарилди.**



Албатта, мўл ҳосил олиш учун йил давомида ғалла майдонларига бир маромда ишлов бериб борилди. Яъни, 170 тонна маҳаллий ўғит солинди, ҳар гектарига 850 кг.дан минерал ўғитлар сепилди. Беш маротаба суспензияланди.

– Унумли меҳнат қилганимиз, агротехник тадбирларни бир маромда ўтказганимиз натижасида кўзланган мақсадга эришдик, – дейди фермер. – Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Далаларимизда ҳосил мўл. Мақсадимиз – ҳосилдорликни 80 центнерга етказиш.

Дарҳақиқат, бўкалик фермерлар ўз олдиларига юксак марралар қўйишган. Ерни доимий равишда қувватлантириб борувчи миришкорлар ҳосилдорликни ошириш йўлларини ҳам билишади. Буғдойдан бўшаган майдонларга айни дамда картошка, мош, фасол сингари экинлар экишга ҳозирлик кўрилаётир.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ**

# Бугун — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни




Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1993 йилда "Тараққий" газетасининг биринчи сони чиққан 27 июнь санасини мамлакатимизда – "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни" сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинганлигининг туб моҳиятини ана шу мазмун мундарижа ташкил этади.

Мамлакатимиз тарихида бундай нашрлар кўп бўлган. Тошкент вилояти ҳокимлигининг бош нашри "Тошкент ҳақиқати" газетаси ҳеч истисносиз ана шулар қаторида туради. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни олдидан қадрдон нашримизнинг ўтган йиллари, йўллари ва одимлари тўғрисида икки оғиз тўхталиб ўтишни лозим топдик. Зеро, газета тарихидаги муҳим саналар, тарихий фактлар, шу ерда ишлаб камол топган улкан ижодкорлар ҳақидаги қайдлар кўпчиликда қизиқиш уйғотишига ишонамиз.

* * *

## "ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ": йиллар, йўллар ва одимлар



● Газетага 1928 йил 11 декабрда асос солинган ва унинг биринчи сони ўқувчилар қўлига "Шарқ ҳақиқати" номи билан етиб борган. Шу муносабат билан ёзилган бош мақолада бу ҳодисага "Газетамиз турмушнинг талабидир", деб ёзиб қўйилган. Бу жуда тўғри берилган таъриф бўлиб чиқди. Мана 92 йилдирки, нашр бу вазифани бажариб, Тошкент вилояти, Ўзбекистон ва жаҳонда кечаётган воқеа-ҳодисаларни баҳоли қудрат ёритиб келмоқда.

"Шарқ ҳақиқати"ни ташкил этиш, ўқишли чиқиши ва ҳозиржавоб нашр сифатида намоён бўлишига Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Сотти Хусайн, Комил Алиев, Аъзам Аюпов сингари таниқли ёзувчи ва журналистлар катта ҳисса қўшишганлиги унинг ўз даврида қанчалик нуфузли газета бўлганини кўрсатади.

● 1954 йилнинг 9 февралидан бошлаб "Шарқ ҳақиқати" "Тошкент ҳақиқати" номи билан чиқа бошлади. Газета республика равнақининг барча босқичларида муҳим сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва тарбиявий вазифаларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшди. Бу даврда Зиёд Эсенбоев, Мақсуд Қориев, Исмоил Сулаймонов, Тўлаган Нажмиддинов, Маҳмуд Яҳёев, Назармат Эгамназаров, Усмон Жонгитов, Соат Мусаев, Раҳимберди Умаров, Носир Рихсиев, Мирсобир Мирҳамидов, Жўра Саъдуллаев, Абдусамад Йўлдошев каби ўнлаб етук журналистлар самарали ижод қилишди.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

● Бугунги кунда Сирдарё вилоятининг маъмурий маркази Гулистон шаҳрига қачон пойдевор қўйилганлигини кўпчилик ҳам билмаса керак. Бу ҳақдаги хабар "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 1956 йил 27 ноябрь сонида чоп этилган. Ўша даврда газета бу ҳудудларда ҳам расмий нашр сифатида тарқалган.

● 1961 йилнинг август ойида "Тошкент ҳақиқати" газетаси саҳифаларида республика пойтахтининг ёнбоши Салор бўйида Тошкент ГРЭСига пойдевор қўйилгани тўғрисидаги, 1966 йилда Чирчиқ дарёсининг юқори оқимида баландлиги 168 метр бўлган тўғон ва Чорвоқ ГЭС қад кўтарганлиги тўғрисида маълумот берилди.

● Ўтган йиллар мобайнида газета саҳифаларида чоп этилган мақолалар асосида Тошкент вилояти обкомининг тўртта, республика марказий қўмитаси бюросининг иккита қарори қабул қилинган.

● 1991-2000 йилларда "Тошкент ҳақиқати" газетаси жамоаси "Кўҳна тарихимиз саҳифалари", "Маънавиятимиз сарчашмалари" рукни остида миллий ўзликни англаш, ўзбек давлатчилиги тарихи ва Ўзбекистоннинг миллий тараққиёт йўлига бағишланган туркум материалларни эълон қилгани учун бир неча бор алоҳида эътироф этилди.

● Яна бир эътиборли факт шуки, турли йилларда газетада чоп этилган танқидий-таҳлилий материалларнинг бир қанчаси мамлакатимизнинг шахсан биринчи раҳбарлари томонидан эътироф этилган. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 август кунги видеоселектор кўринишидаги йиғилишда газетада чоп этилган "Ўрток "Ўзбекфильм", халқинг кутар сўз!" сарлавҳали танқидий мақолани тилга олиб, унда кўтарилган масалаларга муносабат билдирган.

● "Тошкент ҳақиқати" газетаси ўзининг катта ижодий салоҳияти билан республика журналистикаси тарихидан муносиб жой олган. Ўтган йиллар мобайнида таҳририятда фаолият олиб борган 21 нафардан ортиқ ижодкорларга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" фахрий унвонлари, 20 га яқин ходимга давлатимизнинг юксак орден ва медаллари берилгани ҳам юқоридаги фикрни исботлаб турибди.

● "Тошкент ҳақиқати" газетаси мамлакатимиз газета ва журналлари, маҳаллий давлат бошқаруви органларига истеъдодли кадрларни етказиб берувчи ижод мактаби сифатида ҳам тан олинган. Бу даргоҳдан етишиб чиққан ижодкорларнинг 15 нафари кейинчалик бошқа газета ва журналларга бош муҳаррир бўлишди, 6 нафари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати этиб сайланди, 10 га яқини маҳаллий давлат бошқаруви органларида масъул лавозимларда самарали меҳнат қилди.

● 2001 йил 7 июлда вилоят ҳокимининг қарори билан таҳририятнинг янги даври бошланди. Шу куни "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари ягона таҳририятга бирлаштирилди ва мана 19 йилдирки, вилоятнинг етакчи газетаси сифатида рўй бераётган ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнини ёритиб келмоқда, жамоа эса изланишда давом этмоқда. Шу ўринда бу даргоҳнинг вилоят ҳудудидаги бошқа таҳририятлар учун ўзига хос дарсхона вазифасини ўтаб келаётганлигини ҳам айтиб ўтиш ўринли бўлади.

*Сўнгги сўз ўрнида айтмоқчи бўлганимиз шуки, газетамиз тарихи, унинг саҳифаларидан жой олган вилоятимизда рўй бераётган кўламли ўзгаришлар ва янгиланиш жараёнига тааллуқли бундай факт ҳамда рақамларни яна кўплаб келтириш мумкин. Шунинг учун ҳам "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари таҳририятида меҳнат қилаётган ҳар бир ходим уларда ўзининг ҳиссаси борлигидан фахрланади, ғурурланади. Мақтанишга йўйишмасину, "Тошкент ҳақиқати" биз учун ана шундай мўътабар даргоҳ.*

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА тайёрлади**

*Сурат "Тошкент ҳақиқати" фотоархивидан олинди*

## "Газетани қизиқарли қилмоқчи бўлсанг... унга ҳукмронлик қилма..."

Ўзбек газетасининг илк нашри "Тараққий" газетаси ҳисобланади. Унинг илк сони 1906 йил 27 июнда нашр қилинган. "Тараққий"нинг муҳаррири Исмоил Обидий бўлган. Ундан кейин турли йилларда "Нажот", "Шуҳрат", "Осиё", "Самарқанд", "Садои Туркистон", "Садои Фарғона", "Улуғ Туркистон", "Шўрои Ислом", "Кенгаш", "Ҳуррият", "Эл Байроғи", "Бухорои шариф", "Турон" газеталари нашр қилинган.

Парижда "Туз ва қалампир" номли бор-йўғи икки саҳифадан иборат кундалик нашр қилинади. Ушбу газета махсус сув ўтказмайдиган қоғозга чоп этилади. Кундалик овқат пайтида ҳам ўқиш одатидан воз кечолмайдиганлар учун мўлжалланган. "Туз ва қалампир" ўз ўқувчиларига жаҳонда ва мамлакатда содир бўлаётган энг муҳим воқеаларни, шунингдек, энг қизиқ латифаларни таклиф қилади,

АҚШда ҳар соатда "Энг сўнгги янгиликлар" газетаси нашр этиларкан. Вашингтон ва Нью-Йорк ўртасида ҳар соатда бўзчининг мокисидек қатнайдиган "Пан Американ" компанияси авиалайнери пассажирлари унинг илк ўқувчилари бўлган.

"Ля газет" ҳафтаномаси биринчи сонининг кенглиги икки метр бўлган.

"Нью-Йорк таймс" бўлса, қалинлиги ва ҳажми, шунингдек, турли мукофотларга тақдим қилинган журналистлари сони бўйича рекорд натижа қайд этган. Таҳририятда яна шундай ғалати рекорд бор. Унда ишловчи Жорж Меринининг мўйлови 66,5 сантиметрни ташкил қилади.

Журналист Билл Койленд эса йигирма йилдан буён газетада метеомаълумотларни шеър кўринишида бериб келади.

"Титаник" фалокати ҳақида хабар тарқатган "Бостон глоб" газетасининг бир нусхаси 1912 йил 12 апрелда 304 долларга сотилган.

Қоғоз етишмаслиги сабабли "Известия" газетасининг 1921 йил 17 майдаги сони канопдан тўқилган матога чоп этилган. Унда "Газеталарни асранг, улар жуда кам. Ўқиб бўлиб, бошқа бировга беринг!" деган эълон берилган.

Аёллар учун илк газета 1798 йил Германияда пайдо бўлган. Унинг номи "Фрауэнциммер цайтунг".

1786 йил "Цайтунг фюр штедте, флеккен унд дёрфер" газетасида илк марта ўқувчи хати нашр қилинган. Кейинчалик аниқланишича, ушбу хат муаллифи ушбу газета ношири роҳиб Бернс бўлган. У мана шу йўл билан ўз обуначилари сонини оширмоқчи бўлган.

Пруссия қироли Фридрих II "агар газетани қизиқарли қилмоқчи бўлсанг, унга ҳукмронлик қилма" деган фикрни айтган, бироқ айнан унинг даврида таҳририятларда цензорлар пайдо бўлган.

1817 йил 4 май куни Германияда "Кельнише цайтунг" газетасининг биринчи саҳифаси бўм-бўш чоп қилинган. Ношир Маркус Дюмон мана шу йўл билан давлат цензурасига ўз қаршилигини билдирган.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**


**Давлат хизматлари агентлиги**
**Тошкент вилояти бошқармаси жамоаси**

*юртимиздаги барча журналистларни*

*27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан самимий қутлайди.*



***Жамиятимизда адолат ва сўз эркинлигини ифода этаётган соҳа ходимларига ижодий баркамоллик ва муваффақиятлар тилайди!***

Депутат минбари

**Янгийўлда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Р. Кушербоев, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Р. Қосимов, туман Кенгаши депутатлари Н. Жўрабоев, Ф. Тўлаганов ҳамда ҳудудий ташкилотларнинг масъул раҳбарлари тумандаги "Ёшлик", "Қовунчи", "Писталик", шаҳардаги "Сабо", "Боғбон" маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги муаммолар ва таклифларни ўргандилар.**

# МУАММОЛАР ЎРГАНИЛДИ

## Энди одамлар аниқ натижа кутади

Ўрганишлардан маълум бўлдики, тумандаги "Ёшлик" маҳалла фуқаролар йиғини ўз биносига эга эмас. "Самарқанд" кўчасининг Янгийўл шаҳар йўналишидан чап томондаги 300 метрли қисмида Янгийўл "Сувоқова" ташкилоти сув йўналиши бўйича таъмирлаш ишларини бошлаган, аммо ниҳоясига етказилмаган. 6 ойдан буён шу ҳолатда турибди. Ушбу ҳолат аҳоли ва транспорт воситалари қатновига салбий таъсир кўрсатмоқда. "Марказий" кўчанинг ҳолати мутлақо қониқарсиз. 2017-2018 йиллар мобайнида "Олтин водий" МЧЖ томонидан таъмирлаш амалга оширилиб, икки йилдан буён ниҳоясига етказилмай, қабул қилувчи масъулларга топширилмай ётибди.

"Ёшлик" маҳалласи ҳудудида истиқомат қилувчи 3 минг 686 аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш аҳволи ҳам талабга жавоб бермайди. Маҳалла ҳудудида бирорта ҳам тиббий муассаса йўқ. Аҳоли 6 километрли масофани босиб ўтиб, шундоқ ҳам 49 минг аҳолига хизмат қилувчи Гулбаҳор оилавий поликлиникасига қатнайди.

25 йил илгари тадбиркор А. Абдуқодиров томонидан қурилган "Маданият саройи" бир неча марта турли йўналишларга айлантирилди. Мазкур бино қурилгандан буён талаб даражасида фойдаланилмай, 10 йиллардан бери қаровсиз ётибди. Ушбу бинода "Ёшлик" ва "Қовунчи" маҳаллалари аҳолиси учун хизмат қилувчи профилактика инспектори хонасини, "Ёшлик" маҳалла фуқаролар йиғини идорасини (ижара ёки давлат тасарруфи усулида) жойлаштириш мумкин.

"Қовунчи" маҳалласи ҳудудида яшовчи 3 минг 100 аҳолининг ҳам тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти ана шундай чекланган. "Самарқанд" кўчасига электр чироқлари ўрнатилмаган, кўчани икки томонига ёмғир, жала, сел ва оқова сувларини олиб чиқиб кетувчи бетонли лоток ариқлар тўлиқ ўрнатилмаган, аҳоли хонадонидан чиқаётган канализация сувлари оқизиб қўйилган. Натижада, бадбўй ҳид тарқаб, аҳоли ва табиат учун антисанитария ҳолатини юзага келтириб ётибди. Савол туғилади: туманда йўл, соғлиқни сақлаш, санитария-эпидемиологик ишларга масъул бўлганлар, маҳалла фаоллари нахотки шу муаммоларни кўришмайди, ҳал қилишга интилишмайди?

Эски Қовунчи қишлоғи икки ярим минг йиллик тарихга эга. Бироқ, қишлоқ марказининг ҳозирги ҳолатига эътибор берсак, кўнгил ранжийди. "Қовунчи" маҳалласи ҳудудининг марказий қисми вайрона ҳолига келган, собиқ жамоа хўжалиги идораси, кутубхона, алоқа хизмати, фельдшер-акушерлик пункти биноларининг ўрни хусусийлаштирилиб, бу ерда тадбиркорлик қиламан деганлар ҳеч қандай ишни амалга оширмаганлигини қандай баҳолаш мумкин? Ҳозирги кунда бу ҳудуд маҳалла марказининг ҳуснига доғ бўлиб турибди.

"Қовунчи" ва "Ёшлик" маҳаллалари ёнма-ён жойлашган бўлиб, 9 минг нафар аҳоли яшайди, уларнинг 2 мингга яқини вояга етмаган ёшлардир. Ушбу ҳудудда шу кунга қадар давлат мактабгача таълим муассасаси қурилмаган. Аҳоли ёки ота-оналар 5-6 километрли масофани босиб ўтиб, фарзандларини Гулбаҳор ҳудудида жойлашган мактабгача таълим муассасаларига олиб боришади.

1992 йилларга қадар "Санатория – Саховат" йўналишида транспорт воситалари (автобуслар) қатнаган. Афсуски, 2020 йилнинг ҳозирги кунига қадар автобус қатновини қайта йўлга қўйишни ҳеч ким ўйлаб кўрмаяпти. Яна одамлар қийналаяпти, яъни, озгина масофага ҳам 3 минг сўмдан тўлаб, қонуний ҳужжатларга эга бўлмаган "такси"лардан фойдаланишга мажбур бўлишмоқда.

"Писталик" маҳалласи ҳудудида аҳолини электр қуввати билан таъминлаш ҳолати ҳозирги кун талабига жавоб бермайди. 2,8 километрли масофани ўз ичига олган электр симёғочлари ва симлари бундан 70 йил илгари ўрнатилган. Ҳозирда уларни бутунлай алмаштириш керак.

Янгийўл шаҳридаги "Сабо" маҳалласида умумий ўрта таълим мактаби йўқ. Ушбу ҳудудлардаги 600 дан ортиқ мактаб ёшидаги болалар уйларидан узоқда жойлашган 31-, 44- ёки Янгийўл шаҳридаги 3-, 8-мактабларга қатнашга мажбур бўлишмоқда. Шунингдек, бу маҳаллада ҳам мактабгача таълим муассасаси йўқ.

"Боғбон" маҳалла фуқаролар йиғини ўз биносига эга эмас. Маҳалла аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳам қониқарсиз аҳволда. Маҳалла Янгийўл шаҳрининг чегарасида жойлашган бўлишига қарамасдан, 10 километр узоқликда бўлган "Шўралисой" поликлиникасига бириктирилган. Аҳоли у ерга 3 та транспортда бориши керак. Бу қийинчиликни ким бартараф этади?

Худди шундай камчиликларни "Дархон" маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам учратиш мумкин.

Ҳудуддаги 31-умумий ўрта таълим мактаби қурилиши 2006 йили 2 февралда бошланиб, 25 август куни ишга туширилган. Қурилиш лойиҳасида 18x9 метр ҳажмли спорт зали қурилиши режалаштирилган. Афсуски, бугунга қадар спорт зали қурилиши амалга ошмай келмоқда.

Маҳалла ҳудудидаги 1,5 километрли масофани ўз ичига олган "Лолазор" кўчасида электр симёғочлари ва симлари бундан 80 йил олдин ўрнатилган. Ҳозирги кунда улар мутлақо яроқсиз ҳолга келган. Аҳоли электр қувватидаги носозликдан азият чекмоқда.

Умуман, ўрганилган манзилларда йўл, тоза ичимлик суви, электр таъминоти, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия шароитлари масалалари аҳолининг энг оғриқли муаммосига айланган.

Депутатлар масъул идоралар раҳбарлари иштирокида ўрганилган муаммолар ечими юзасидан вилоят бошқармалари мутасаддилари, Янгийўл тумани ҳамда шаҳар ҳокимлиги раҳбарларидан аниқ жавоб ва асосли хулосалар кутади.

**Н. ЖЎРАБОЕВ,**
**Халқ депутатлари Янгийўл тумани Кенгаши депутати**

Гиёҳвандлик – аср вабоси

**Бирлашган Миллатлар Ташкилоти цивилизациянинг асосий таҳдидлари – ядро уруши ва экологик фалокат қаторига гиёҳвандликни расман қўшгани бежиз эмас. Чунки, наркотик моддалар истеъмоли турли жабҳалардаги миллий манфаатларни рўёбга чиқаришга кучли таъсир қилади. Демографик ва ижтимоий хавфсизликка зарар етказади. Шу боис, БМТ Бош ассамблеясининг 1987 йил 7 декабрдаги резолюциясига биноан ҳар йили 26 июнь – Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни сифатида нишонлаб келинмоқда.**

# ТУБАНЛИК БОТҚОҒИ

## ёхуд борса келмас йўл

Айни кунларда аср вабосига айланган гиёҳвандликка қарши курашиш жамият олдида турган муҳим вазифадир. Гиёҳвандлик воситаларининг катта миқдорда етиштирилаётгани ва сайёрамиз бўйлаб шиддат билан тарқалаётгани келажаги учун қайғурадиган ҳар бир миллатни ташвишга солиши шубҳасиз. БМТ маълумотига кўра, бугунги кунда гиёҳвандларнинг аксарият қисми 15-35 ёшли йигит-қизлардир. Айни пайтда уларнинг сони 500 миллионга етган. БМТ экспертлари ўтказган тадқиқотга кўра, жаҳонда ҳар йили тахминан 200 минг гиёҳванд вафот этаяпти. Статистик маълумотлар бугунги кунда жиноятчилар наркобизнесдан йилига 400 миллиард доллар даромад олишини кўрсатмоқда.

*Жами 1 тонна 27 килограмм 911 грамм гиёҳвандлик воситалари ёқиб юборилди.*

Бундан маълум бўлаяптики, инсоннинг руҳий ва жисмоний саломатлигини емирувчи, гулдек оилаларни пароканда қилувчи гиёҳвандликка қарши курашиш нафақат алоҳида давлатлар, балки бутун дунё жамоатчилигининг иши бўлиши керак.



Бошқа мамлакатлар қатори Ўзбекистонда ҳам наркотик ва психотроп воситалардан ноқонуний фойдаланишга қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда. Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, саломатлигини асрашга устувор вазифа сифатида қаралаяпти.

Юртимизда «Сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка мубтало бўлган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида», «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилинган. Ўзбекистон БМТнинг Гиёҳвандлик воситалари тўғрисидаги ягона конвенцияси, Психотроп моддалар тўғрисидаги ҳамда Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўйича конвенцияларига қўшилган.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил марказининг маълумотларига қараганда, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда нарковазиятга хос эпидемиологик кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгариб бораяпти. Ҳар йили наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятлар сони аввалги йилларга нисбатан камаймоқда.

Бироқ, аҳоли ўртасида бошқа бир иллат урчий бошлади. Яъни, «Трамадол», «Лирика», «Тропикамид» каби психотроп дориларнинг истеъмоли кўпайгани, айниқса, ўспирин фарзанди бор ота-оналарни хавотирга солиб қўйди. Сабаби, бу дориларнинг асосий истеъмолчилари беморлар эмас, балки ёш авлод вакиллари. Шунинг учун ҳам 2018 йил 22 октябрда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Унга кўра «Трамадол», «Лирика» каби дорилар наркотик моддалар таркибига киритилди. Уларнинг ноқонуний сотилишининг олдини олиш бўйича профилактик тадбирлар кучайтирилди. 2019 йил 6 сентябрда эса давлатимиз раҳбарининг «Дори воситалари ноқонуний айланишининг олдини олиш чораларини кучайтириш тўғрисида»ги Қарори қабул қилиниб, аҳоли соғлиғини асрашга қаратилган чора-тадбирлар янада кучайтирилди.

Ҳар йили 26 июнь куни анъанавий тарзда республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ноқонуний муомаладан олинган гиёҳвандлик воситалари йўқ қилинмоқда. Ўтган йили ўтказилган тадбирда жами 1 тонна 27 килограмм 911 грамм гиёҳвандлик воситалари ёқиб юборилди.

Бу борада Ҳарбий прокуратура органлари томонидан Қуролли Кучлар қўмондонликлари билан ҳамкорликдаги комплекс режалар ижроси доирасида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ҳамда ёшлар иштирокида тизимли тадбирлар ўтказиб келинмоқда. 2020 йилнинг ўтган даврида 150 га яқин тарғибот, тушунтириш ишлари ўтказилди. Пандемия шароитида бу каби тадбирларни онлайн мулоқот тарзида ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

*2020 йилнинг ўтган даврида 150 га яқин тарғибот, тушунтириш ишлари ўтказилди.*

Хулоса қиладиган бўлсак, оғунинг қулига айланганларни даволашдан кўра, гиёҳвандликнинг олдини олган минг марта афзал. Демак, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш барчамизнинг бурчимиздир. Зеро, соғлом муҳитда тарбия кўрган фарзанд турли хил иллатларнинг домига осонгина илиниб қолмайди. Бир сўз билан айтганда, уйимизни, фарзандларимиз ҳамда яқинларимизни «оқ ажал»дан ўзимиз асрашимиз керак. Гиёҳвандлик – тубанлик ботқоғи, борса келмас йўл эканлигини бир зум бўлса-да унутмаслигимиз лозим.

**Баҳодир ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг биринчи ўринбосари**

Талқин

**Бугун республикамизда соғлом рақобат муҳитини янада ривожлантириш жараёнлари кечмоқда. Бунда тадбиркорлик субъектлари учун давлат харидларида тенг эркинлик яратиш, давлат секторини оптимал муддатларда товарлар (ишлар, хизматлар) билан самарали ва оқилона таъминлаш ҳамда мамлакатда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш жараёнини давом эттириш, халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг кўрсаткичларини яхшилаш асосий мақсад этиб белгиланган.**

# Асл рақобат – тараққиёт гарови

## Танлов ва тендер савдоларини электрон ташкил этиш механизмининг афзалликлари НИМАДА?

Маълумки, 2019 йил 5 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Бу ҳужжат давлат харидлари тизимининг шаффофлигини таъминлаш ҳамда уни янада такомиллаштириш ҳисобига корпоратив буюртмачилар, шу жумладан, стратегик аҳамиятга эга бўлган хўжалик жамиятлари ва корхоналар маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш ҳамда самарадорлигини ошириш, давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилишни кўзда тутади. Хусусан, унда белгиланганидек, жорий йилнинг апрель ойидан давлат харидлари соҳасида танлов ва тендер савдоларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда электрон тарзда ўтказиш тизими амалиётга жорий этилди.

Президент қарори ижросини ўз вақтида таъминлаш, давлат харидлари соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, рақобат муҳитини ошириш мақсадида бюджет ва корпоратив харидлар бўйича электрон танлов ва тендер савдо тизими – etender.uzex.uz веб-сайти ишга туширилди. Мазкур электрон тизим ўзининг хориждаги аналогларидан қолишмай, ҳатто жараёнларни автоматлаштириш кўрсаткичлари бўйича уларнинг аксариятидан устун эканлигини намоён этган ҳолда тендер ва савдо танловларини узоқ масофалардан туриб ўтказиш имконини беради.

Тизимни ишлаб чиқишда савдо жараёнининг очиқлиги ва рақобатни таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва бошқа шу каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумот учун. Мазкур электрон танлов ва тендер тизимининг жорий этилиши бизнес юритиш (Doing Business) шароитлар кўрсаткичларини яхшилашга ҳамда OESR халқаро ташкилотининг коррупцияга қарши кураш бўйича Истанбул ҳаракатлар режаси доирасидаги тавсиялардан бирини бажаришга имкон беради.

Бугунги кунда давлат раҳбари томонидан коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиётимиз тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича самарали ишлар амалга оширилаётган бир вақтда мазкур тизимнинг йўлга қўйилиши карантин талаблари нуқтаи назаридан ҳам айниқса, долзарб ва самаралидир.

Умуман, давлат харидлари бўйича танлов ва тендерларнинг янги тартибда ўтказилиши бир қатор афзалликларга эга. Жумладан, танлов ва тендерлар электрон шаклда ўтказилгани боис, буюртмачи ҳамда етказиб берувчилар аксарият жараёнларни шахсий кабинет орқали амалга оширадилар. Тизим танловга ва тендерга асосланган савдоларнинг балл усулида ва арзон нархлаш методида ўтказилишини таъминлайди. Буюртмачиларга жаҳонда тан олинган баҳолаш усулларининг иккитадан биттасини мустақил танлаш, даъвогарларнинг таклифларини баҳолайдиган мезонларни аниқлаш ва бу мезонларнинг аҳамиятини белгилаш имкони берилади. Миқдор кўрсаткичларига асосланган мезонлар (мутахассисларнинг сони, бозордаги иш стажи, нархи, етказиб бериш муддати ва бошқалар) тизим ёрдамида мустақил автоматик режимда, инсон омилларини жалб қилмаган ҳолда баҳоланади. Сифат (эксперт) мезонлари "онлайн" режимда ишлай оладиган танлов (тендер) комиссияси аъзолари томонидан баҳоланади. Ғолиблар шаффофлик ва ошкоралик тамойиллари асосида аниқланади.

**К. УЗАКОВ,**
**Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш" ДУК бош мутахассиси**

Давра суҳбати

**Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллиги, улар фаолиятининг очиқ ва шаффофлигини таъминлаш борасидаги ислоҳотлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини кафолатлаш билан бир қаторда одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.**

# ОДИЛ СУДЛОВ ЙЎЛИДА

## *саъй-ҳаракатлар тўхтамайди*






Мулоқотда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, одил судловни амалга ошириш борасидаги мавжуд муаммолар, қонунчиликни такомиллаштириш масалалари хусусида сўз борди. Ўтган уч йил давомида суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар суд органлари ва судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилгани, бугунги кунда ҳам ушбу саъй-ҳаракатлар изчил давом этаётгани қайд этилди.

Айни чоғда иштирокчилар, мутахассислар, судьялар, адвокатлар томонидан соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар билдирилди.

Чунончи, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб, амалдаги қонунчиликда суд ҳокимияти бюджетини шакллантиришнинг алоҳида тартибини тузиш, Давлат бюджети маблағлари ҳисобига судлар учун янги бинолар қуриш ва мавжудларини капитал таъмирлашни назарда тутувчи давлат дастури ишлаб чиқиш, судьялар ва суд ходимларининг иқтисодий ва ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, шунингдек, суд мажлисларида судьялар ва процесснинг бошқа иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш ҳамда тартиб-интизомни сақлаш кабилар шулар жумласидандир.

**Жонибек ТАНГМАТОВ,**
**Жиноят ишлари бўйича вилоят суди девонхона мудири**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:*
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

*Бош муҳаррир*
**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Нашр кўрсаткичи – 205. Буюртма Г-643. 12 073 нусхада чоп этилди. Ҳажми – 2 табоқ. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А–2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 233-64-95
Бош муҳаррир ўринбосари: (71) 233-70-10
Масъул котиб: (71) 233-90-82
Бўлим муҳаррирлари: (71) 233-38-23, (71) 233-48-08
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими: (71) 233-54-10

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Электрон почта: toshkenthaqiqati@umail.uz // th-tp@inbox.ru

**Манзилимиз:**
111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90.

**Тошкент шаҳридаги офисимиз:**
100000, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.*

Навбатчи муҳаррир
**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**
Назоратчи мусаҳҳиҳ
**Аллома АЗИЗОВА**
Навбатчи
**Равшан БАЙЖАКОВ**

**ISSN 2010-9318.** *Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.00* 1 2 3 4 5 6




**Мамлакатимиз аҳолисининг 54 фоизини ёшлар ташкил қилади. Вилоятимизда эса уларнинг сони қарийб 1 млн. 288 минг нафар. Бугун улар учун барча шароит, имтиёз ва имкониятлар эшиги кенг очилиб, ёшларга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган. Хусусан, ўтган уч йил давомида ёшлар масаласига доир жами 5 та қонун ва 45 та қонуности ҳужжатлар қабул қилинди.**

**Айниқса, Президентимиз ташаббуси билан 30 июнь – “Ёшлар куни” деб белгиланганини эртамиз давомчиларини янада руҳлантириб юборди.**

**Икки йилдан бери анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Ёшлар ойлиги” тадбирлари пандемия сабабли жорий йилда онлайн ташкил этилмоқда.**

# Бугуннинг йигит-қизлари – умидимиз юлдузлари...



## Ташаббус ва ғоялар – эрта учун сармоялар

**Эргаш АБДУРАИМОВ,**
**Ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши матбуот котиби:**

– Вилоятимизда ойлик доирасида 6 йўналишдаги 30 га яқин лойиҳа ва тадбирларни ўз ичига олган режа ишлаб чиқилди.

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгаши, вилоят Жисмоний тарбия ва спорт, Маданият, Халқ таълими, Касбий таълимни ривожлантириш, Ички ишлар, Мудофаа бошқармалари, Миллий Гвардия ва бошқа ташкилот ҳамда идоралар ҳамкорлигида Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус тарғиботи, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, волонтёрлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, тадбиркорлигини ривожлантириш, шунингдек, Ёшлар кунини кенг нишонлашга қаратилган йўналишларни ўз ичига олган лойиҳа ва тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, 5 ташаббус бўйича белгилаб берилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ишлар диққатга молик.

Шу кунга қадар “Болаларга беринг дунёни!”, “Ёзни “Камалак” билан!”, “Ёш китобхон” ғолиби орамизда”, “Генерал ва ёшлар учрашуви”, “Мен донорман!”, “Юртим ёшларига бефарқ эмасман!”, “Орол муаммоси болалар нигоҳида!”, “Фахрийлар эъзозимизда!”, “Беш ташаббус уйда”, “Ёшлар кубоги”, “Биз жиноятчиликка қаршимиз!”, “Орамиздаги қаҳрамонлар!”, “Менинг волонтёрлик фаолиятим!”, “Мен ҳарбий бўламан” мавзуларидаги 30 га яқин лойиҳа ва тадбирлар, онлайн танловлар, семинарлар давом этмоқда. Шунингдек, ҳоким, прокурор, сенатор, депутат ва бошқа масъулларнинг ёшлар билан учрашувлари ҳам ташкил этилмоқда.

Ҳозирда вилоятда 71 та маданий марказ мавжуд бўлиб, шулардан 34 таси таъмирланди. 36 тасининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Вилоятдаги кўплаб маданият ва истироҳат боғлари таъмирланиб, фойдаланишга топширилди, Оққўрғон ва Бўка туманларида эса янги маданият ва истироҳат боғлари қурилди.

Аҳамиятлиси, “Ёшлар ойлиги”да пандемия шароитида ҳам ёшлар бандлигини таъминлаш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, истеъдодларни аниқлаш ва рағбатлантириш, улар орасида жиноятчилик ва салбий иллатларнинг олдини олиш каби ишлар тизимли давом этмоқда.

## Америкада ўқийман!

**– Шу йил Тошкент туманидаги 18-мактабни тамомлаб, АҚШнинг 4 та олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилиндим.**



Ўқишимни АҚШда давом эттиришни аввалдан ният қилгандим. Мактабни битириб улгурмасимдан 4 та олий таълим муассасаси талабаси бўлишга эришдим. Булар, Washington College, St.Johns University, Leseley University ҳамда College of Charleston. Улар орасидан Washington College-ни танлашга қарор қилдим. Эндиликда бизнес менежменти ҳамда дастурлаш йўналишларида билим оламан.

АҚШда университетларга қабул тизими бизникидан анча фарқ қилади. Деярли барча университетлар сўнгги ўқув йилининг январь ойигача ҳужжатларни қабул қилиб, биринчи апрелгача натижаларни эълон қилади.

Ўзбекистонда SAT, TOEFL, IELTS каби имтиҳонларни топшириш имконияти мавжуд ва мен бу имкониятдан тўлақонли фойдаланиб, етарли балларни тўпладим.

Бугунги кунда бизнинг мамлакатимизда ҳам талаба бўлиш истагидаги ёшларга кўплаб имконият эшиклари очилмоқда.

Ўқишни тамомлаганимдан сўнг, албатта, Ўзбекитонга қайтаман. Ниятим, олган билимларим билан юртимиз ривожига ҳисса қўшиш.

**Раъно МАЪРУПОВА**

## Ота касбидан барака

– Отам этикдўз уста бўлганлар. Бу ҳунарнинг сир-асрорларини улардан ўрганганман. Якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганимда ҳали коллежда ўқирдим. 2016 йилда “Менинг бизнес ғоям” танловининг Республика босқичида ғолиб бўлдим. 15 миллионлик имтиёзли кредит билан уйимизда пойабзал цехи ташкил этиб, иш бошлаганман. Ўшанда ота-онам икки нафар тенгдошимни иш билан таъминлаганим ва мустақил ҳаётга қадам қўйганимдан жуда қувонишган эди. Ўз бизнесимни бошлашимда Алишер Исломов, Маҳмуд Нурматов каби устозларим катта ёрдам беришган. Бугунги кунда цехимизда, асосан, ортопедик нуқсони бор инсонлар учун буюртма асосида




пойабзал ишлаб чиқарамиз. Яқинда “Uzbegimlathers” масъулияти чекланган жамиятига асос солиб, 7 нафар ёшни иш билан таъминладим.

2017, 2018, 2019 йиллардаги “Ташаббус” танловларида ғолиб ва совриндор бўлганман. Шунингдек, туман, вилоят ҳамда Республика миқёсида ўтказиладиган турли танловлар, форумлар, савдо ярмаркалари ҳамда ўқув-семинарларда фаол иштирок этиб келмоқдаман. Ҳозирда “Ёшлар – келажагимиз” жамғармасида бош мутахассис сифатида ҳам фаолият юритаман.

Бундан ташқари, ўз билим ва тажрибаларимни тадбиркорлик соҳасига энди кириб келаётган ёшларга ўргатиш мақсадида бепул “Бизнес клуб” ўқув тўгарагини ташкил этганман.

**Шаҳзод ХУДОЙНАЗАРОВ,**
**ёш тадбиркор**
*Қибрай тумани*




## Ҳар ишда фаол бўлишга интиламан



**Гулшода КАРИМОВА,**
**Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси, институт ахборот хизмати ходими:**

– 2017 йили Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган Чирчиқ давлат педагогика институтига ҳужжат топшириб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтдим. Ҳозирда 3-босқич талабасиман. 2019-2020 ўқув йилида укам ҳам шу олийгоҳга давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди.

Ўтган ўқув йилида ўқиш ва жамоат ишларидаги фаоллигим сабабли тўлов-контрактимнинг 35 фоизи Ёшлар иттифоқи томонидан тўлаб берилди. Бугун институтнинг ахборот хизмати ходими сифатида ҳам иш, ҳам ўқиш теварагидаги ширин ташвишлар гирдобидаман. Биз ёшлар учун яратилган шароит ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш ва унга муносиб жавоб қайтаришга бурчли эканлигимни доим ҳис қиламан. Қўлимдан келганича яхши ўқиб, етук мутахассис бўлмоқчиман.

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ИЛҲОМЛАРИ

**Умринисобону МИРЖАЛИЛОВА,**
**таэквондо бўйича Ўзбекистон чемпиони, Паркент тумани:**



– Спортга қизиқишимга акам сабабчи бўлганлар. Мактабдан бўш вақтларида акам бокс залига борардилар, мен эса уларни машғулот ўтаётган пайтларида кузатишни ёқтирардим. Шу қизиқишим таэквондо тўгарагига етаклади.

Ҳеч нарса осонликча қўлга киритилмайди, деганлари рост экан. Машғулотлар пайтида кўп хато қилардим. Уларни тўғрилашим учун мураббийимнинг танбеҳлари ва даккиларидан тўғри хулоса чиқаришим ва ўз устимда тинимсиз ишлашим зарур эди. Орадан 1 йил ўтиб, илк маротаба мусобақада қатнашдим. Даянга чиқиш навбатим келганда ёки ҳозир, ёки ҳеч қачон дегандим...

Биласизми, дастлабки ғалаба инсон қалбида ишонч туйғусини пайдо қилар экан. Менга ҳам Ўзбекистон чемпиони бўлиш насиб этди. Кейин кетма-кет Тошкент очиқ чемпионатида 1-, Ўзбекистон чемпионатида 2-ўринларни эгалладим. Ўтган йили эса Таэквондо WTФ бўйича турнирда ҳамда Ўзбекистон кубоги мусобақасида ҳам биринчилик насиб қилди. Шунингдек, Японияning Таккю Воллей янги спорт турини мамлакатимизда ривожлантириш бўйича ўтказилган 10 кунлик семинарда иштирок этиб, инструктор сертификати билан тақдирландим. Ҳозирда Ўзбекистон спорт клуби аъзосиман.

Икки йил ўқишга киролмадим. Бироқ, мураббийларим, яқин инсонларим руҳимни асло чўктиришмади. Фақат учинчи йилигина Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети талабаси бўлдим.

Спортдан ташқари тил ўрганишга, шеър ёзишга қизиқаман. “Орзулар фасли”, “Онамга мактуб”, “Ёшлик баҳорининг бойчечаклари” “Биз истиқлол фарзандларимиз” каби шеърий тўпламларим чоп этилган. Яқинда Италияда бир гуруҳ ўзбекистонлик шоираларнинг шеърлари тўплами нашр этилди. Тўпламда менинг ҳам итальян тилига ўгирилган шеърларим борлигидан фахрланаман.

Бундан ташқари, табиатнинг гўзал манзараларини суратларга муҳрлашни, бадиий китоблар ўқишни яхши кўраман.

## Орзуим – журналист бўлиш



– Болалигимдан ўзимда лидерлик қобилиятини шакллантириш ва бу йўлда имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилганман. Асли мутахассислигим либослар дизайнери. Аммо, журналистикага бўлган қизиқишим туфайли 2018 йилда “Менинг Юртим” телеканали томонидан ўтказилган танловда ўзимни синаб кўрдим. 1 минг 50 та иштирокчи орасидан саралаб олишди. Телеканалда ишлай бошлаганимдан буён ҳаётимда катта ўзгаришлар бўлди.

Ҳар гал турли вилоятларга хизмат сафарига борганимда у ернинг иқтисодий аҳволи, бошқарув тизимининг позицияси, ўша ҳудуддаги ёшларнинг салоҳиятини ўзимизнинг вилоятимиз билан солиштираман. Ишим тақозоси билан ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий масалаларда кўплаб лавҳалар тайёрладим, ҳудудларни ўргандим.

**Дилором ҚАРШИБОЕВА,**
**“Менинг Юртим” телеканали ходими,**
*Қуйи Чирчиқ тумани*

## "Замредактор" талаба



– Охирги беш йиллик давомида вақтли матбуотда мунтазам қатнашишга ҳаракат қилаётган бўлсам, бунда ўша даврдаги ёшлар ташкилотининг ҳиссаси ниҳоятда катта.

Диплом – маълумотингиз ҳақида сўзловчи ҳужжат. Менда ўша ҳужжат бўлмаса-да, «Машъал» газетаси таҳририяти бағрини очди.

Ўтган уч йил мобайнида «Энг улуғ, энг азиз» анъанавий танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлдим, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва «Ҳуррият» мустақил газетаси ҳамкорликда ўтказган «Ҳаракатлар стратегияси: тараққиёт ва демократия пойдевори» танловида рағбатлантирувчи мукофотга муносиб топилдим, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкор ташкилотлар билан бирга ўтказган «Буюк юрт учун» танловида публицистика йўналишида учинчи ўринга лойиқ кўрилдим.

Ҳали яхши ниятларим, катта мақсадларим олдинда.

**Отабек ИСРОИЛОВ,**
**«Машъал» газетаси бош муҳаррири ўринбосари, ЎзЖОКУ сиртқи бўлим талабаси**
*Ўрта Чирчиқ тумани*

## БЕШ ТАШАББУС доирасида:




**1-ташаббус**: ёшларни мусиқа ва санъатга жалб этиш мақсадида 161 та янги тўгарак ташкил этилиб, уларга 9 мингдан ортиқ ёшлар қамраб олинди.

**2-ташаббус**: 102 та спорт майдончаси барпо этилиб, ёшлар ихтиёрига топширилди. Бу ишлар давом этмоқда. Яқин кунларда уларнинг сонини 485 тага етказиш кўзда тутилган.

**3-ташаббус**: 3 та умумий ўрта таълим мактабига энг замонавий компьютер жамланмалари етказиб берилди. 20 сентябрга қадар яна 239 та мактаб худди шундай компьютер жамланмалари билан таъминланади. 410 та мактабга оптик толали симлар тортилиб, юқори тезликдаги интернет билан таъминланади. Яна 370 та ижтимоий соҳа объектлари ҳам тезкор интернет тармоғига уланади.

**4-ташаббус**: вилоятдаги мактаблар ва кутубхоналарга 100 мингга яқин бадиий адабиётлар топширилди. Китоб дўконлари сони 102 тага, кутубхоналар сони 1 минг 118 тага етказилди. Уларнинг китоб фонди 2 млн. 8 мингдан ошди. Ҳудудларда 350 дан ортиқ китобхонлик тарғиботига бағишланган тадбирлар, викториналар, шунингдек, адабиёт намояндалари билан учрашувлар ташкил этилди ва уларга 33 мингга яқин ёшлар қамраб олинди. Давлатимиз раҳбари топшириғига биноан, Бўка туманида “Фазилатхоним кутубхонаси” барпо этилди.

**5-ташаббус**: Бўка туманидаги “Човлисой” маҳалласида енгил конструкцияли, сендвич деворли тикувчилик цехи қурилди, “Янгиқўрғон”, “Учтепа” маҳаллаларидаги бўш турган бинолар тикув цехларига айлантирилди. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида Тошкент туманидаги 11-мактаб биносида тикувчилик цехи ташкил этилди. Чиноз туманида “Фуран”, “Пронто”, “Чинзара” каби текстиль фабрикалари ташкил этилиб, минглаб хотин-қизлар иш билан таъминланди.

**Бугунги кунда вилоятда жами 21 минг 298 нафар банд бўлмаган ёшлар мавжуд бўлиб, биринчи ярим йилликнинг май ойи ҳолатига кўра, улардан 11 минг 35 нафари ишга жойланди.**

**Яъни:**

- қурилиш соҳасида **457 нафар (4,1 фоиз)**;
- тадбиркорлик соҳасида **1 минг 687 нафар (15,3 фоиз)**;
- қишлоқ хўжалиги соҳасида – **1 минг 738 нафар (15,8 фоиз)**;
- “Ҳар бир ёшга – бир гектар” лойиҳаси доирасида – **1 минг 687 нафар (15, 3 фоиз)**;
- ҳақ тўланадиган жамоат ишларига – **2 минг 151 нафар (19,5 фоиз)**;
- “Ёшлар – келажагимиз!” Давлат дастури доирасида – **262 нафар (2,4 фоиз)**;
- “Ҳар бир оила – тадбиркор” Давлат дастури доирасида – **562 нафар (5 фоиз)**;
- январь-февраль ойларида ўтказилган меҳнат ярмаркаларида – **548 нафар (5 фоиз)**;
- бошқа соҳаларда – **1 минг 956 нафар (17,7 фоиз)** ёшлар иш билан таъминланди.

Шунингдек, вилоятда мева-сабзавотчилик, боғдорчиликка ихтисослаштирилган 17 та қишлоқ хўжалиги кооперацияси ташкил этилиб, 1782,54 гектар ер майдонлари 1 минг 674 нафар ишсиз ёшга узоқ муддатга фойдаланиш учун берилди.

Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларнинг 700 нафардан зиёд фарзандига 1 млрд. 427 млн. 200 минг сўм миқдоридаги субсидиялар бирламчи агротехник ишларни ташкил этиш учун бандлик бўлимлари томонидан тақдим этилди.

**Саҳифани Мадина АБДУСАМАТОВА ва Мафтуна СУННАТИЛЛАЕВА /Тошкент ҳақиқати/ тайёрлади**